

**ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТИ ТИЗИМИДА КАДРЛАР  
ЗАХИРАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА МИЛЛИЙ “КАРЬЕРА МОДЕЛИ”  
ПЛАТФОРМАСИНИНГ САМАРАДОРЛИГИ**

**Максумов Надиржон Эргашевич**

*Давлат хизматини ривожлантириши*

*агентлиги директори ўринбосари*

*E-mail: [n.maksumov@argos.uz](mailto:n.maksumov@argos.uz)*

**Аннотация.** Мазкур мақолада соҳибқирон Амир Темур давлатчилиги даврида юқори лавозимларга лойик номзодларни одилона саралаб олиш ва уларни жой жойига қўйиш механизми тўғрисида ҳамда Янги Ўзбекистон шаройитида юқори лавозимларга лойиҳҳо ходимларни танлаб олинишида инсон омилини камайтиришнинг механизимлари келтирилган.

**Калит сўзлар.** Тизим, OneID, кадрлар сиёсати, қонун, танлов, Давлат фуқаролик хизмати, таҳлил, ҳокимият, Амир Темур, сариқ сават, яшил сават.

Бугунги кунда юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар кўз ўнгимизда халқнинг фаровон ҳаёт кечириши, бугунги кунидан розилиги ҳамда келажакка бўлган ишончининг янада мустаҳкамланиб бораётганлиги мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йўлида олиб борилаётган ишларда ўз аксини топмоқда.

Ислоҳотларни янада жадаллаштириш, сифат даражасини янги босқичга олиб чиқишида шубҳасиз малакали ва профессионал кадрларга бўлган талаб ҳар қачонгидан ҳам ҳал қилувчи омиллардан бирига айланмоқда.

“Кучли давлат барпо этмоқлик учун бевосита раҳбар шахснинггина адолатли ва комил инсон бўлиши етарли эмас, максадга эришиш учун унинг атрофидаги раҳбарлар ҳам ўз касбининг устаси, фидойи ва ҳалол бўлишлари шарт. Амир Темур давлатининг шон-шуҳратини таъминлаган муҳим куч унинг вазирлари, амалдорлари ва сипохийлари эди. Давлат хизматчиларини тўғри танлагани ва уларнинг куч-қувватидан давлатни бошқаришда фойдалангани Амир Темурнинг энг муҳим ютуқларидан бири бўлган”<sup>1</sup> – дейилади Шоҳистахон Ўлжаеванинг “Амир Темур давлат бошқаруви” монографиясида.

Шу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда, буюк аждодимиз, саркарда Амир Темурнинг узоқ XIV – XV асрларда давлат бошқарувида давлат хизматчиларига таянишидан маълум бўладики, ҳозирда ҳам буюк ва қудратли давлатни барпо этиш ва тизимли иш жараённи шакллантиришда салоҳиятли, ақл-идрокли ҳамда

<sup>1</sup> Ш.Ўлжаева «Амир Темур давлат бошқаруви» монографияси. – Тошкент «Akamednashr» 2017. – 24-бет.

узоқни кўра оладиган давлат хизматчиларининг ўрни бекиёслигини инкор этиб бўлмайди.

Тарихга назар солинса, яна бир буюк давлат арбоби, ўтган асрнинг ўрталарида Буюк Британиянинг Бош вазири сифатида фаолият олиб борган Уинстон Черчилль давлат хизматчилари ҳақида мулоҳаза қиласа экан: “Одамлар эртага бош қотирадиган ўйлар устида бугуноқ ишла<sup>2</sup>” – дея давлат хизматчисининг касбий ўсиши борасида қанча аввалроқ иш олиб борилса, шунча яхши деган фикрни илгари сурган.

Шу ўринда, давлат хизматини ҳар тарафлама ривожлантириш зарурлиги ҳақида фикрлар эканмиз, сўнгти 5 йил мобайнида давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилаётган ислоҳотларнинг аксарияти айнан давлат бошқарувини тизимли йўлга қўйиш, давлат хизматчиларининг фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни қамраб оловчи ислоҳотлар эканлиги ҳам бежиз эмас. Зоро малакали ва салоҳиятли кадрлар етиштирилиши Янги Ўзбекистонинг порлоқ келажагини қуришда асосий куч бўлиши ҳеч кимга сир эмас. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев 2021 йилнинг 11 декабря Тошкент шаҳрининг Мирзо-Улуғбек туманида амалга оширалаётган бунёдкорлик ишлари билан танишиб, аҳоли билан сұхбатга киришар экан: “Ўзбекистонга салоҳиятли кадрлар керак. Шунинг учун ҳам муаллим ва мактабларга, таълим сифатини яхшилашга алоҳида эътибор бераяпмиз. Салоҳиятли кадрлар рақобатни пайдо қиласи. Қаердаки рақобат бўлса, ўша жойда ривожланиш бўлади<sup>3</sup>”, – дея таъкидлаб ўтган эди.

Хусусан, 2022 йил 8 август куни қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ти Қонуни юқорида баён қилинган фикрларни рўёбга чиқишига етакловчи омиллардан бири бўлиши айни ҳақиқат. Ушбу қонуннинг 25 – моддасида келтирилган «Миллий кадрлар захираси» термини юртимизда ўзига ҳос янгилик ҳисобланиб, ушбу модда қўйидаги тушунчаларни беради:

- Миллий кадрлар захираси давлат фуқаролик хизматчиларининг раҳбарлик лавозимларини малакали кадрлар билан тўлдириш мақсадида давлат фуқаролик хизматчиларини марказлаштирилган ҳолда саралаб олиш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва узлуксиз малакасини ошириш тизимиdir.

- Миллий кадрлар захираси давлат фуқаролик хизматининг раҳбар кадрлар таркибини барқарор таъминлаш ва унинг сифатини яхшилаш, давлат фуқаролик хизматчисининг касбий компетенциясини ошириш ҳамда хизматда лавозим бўйича кўтариш мақсадида шакллантирилади.

2 Уинстон Черчилль иқтибоси. - [https://vlgr.ranepa.ru/news/?ELEMENT\\_ID=449880](https://vlgr.ranepa.ru/news/?ELEMENT_ID=449880).

3 Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Тошкент шаҳрининг Мирзо-Улуғбек туманига ташрифи чогидаги нутқидан. - <https://karakalpakstan.uz/uz/document/generate-pdf/news/3512>.

•Миллий кадрлар захирасини шакллантириш ва юритиш Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланадиган тартибда маҳсус ваколатли давлат органи томонидан амалга оширилади<sup>4</sup>.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, давлат фуқаролик хизмати соҳасида миллий кадрлар захирасини шакллантиришда Миллий “Карьера модели” электрон платформасини жорий этиш мақсадга мувофиқдир. Замонавий ахборот технологиялари ва маълумотлар таҳлилидан фойдаланган ҳолда давлат фуқаролик хизматига энг малакали номзодларни саралаш, танлаш ва уларнинг касбий компетенциясини узлуксиз ривожлантириш жараёнлари платформанинг асосий мақсадларидан бири ҳисобланади.

Шу билан бирга, ходимларни баҳолаш ва ривожлантириш тизими асосида давлат фуқаролик хизматчиларининг касбий компетенцияларини ривожлантириш, шунингдек, лавозим (карьеравий) ўсиши имкониятларини яратиш, давлат фуқаролик хизмати учун малакали кадрларни худуд ва соҳалар бўйича тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини узлуксиз ошириб бориш мақсадида олий таълим муассасаларининг ҳамда қайта тайёрлаш ва малака ошириш марказларининг маълумот базаларини Миллий “Карьера модели” электрон платформасига интеграциялаш ҳам ушбу платформанинг келгусида асосий мақсадларидан бири ҳисобланади.

Бундан ташқари, ушбу тизим кадрларнинг ягона марказлаштирилган маълумотлар базасини шакллантириш орқали давлат фуқаролик хизматида кадрлар салоҳиятини самарали бошқариш, шунингдек давлат фуқаролик хизматида ягона ташкилий-ҳуқуқий механизmlарини қўллаш мақсадида таҳлиллар ўтказиш ва мониторинг қилиш имкониятини ҳам беради.

Ушбу платформанинг фойдаланувчилари ва иштирокчилари кимлар деган саволга эса 2022 йил 8 августдаги ЎРҚ-788 сонли Ўзбекистон Республикаси Конунидан жавоб топиш мумкин. Давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг бошқарув кадрлари ва мутахссислар тоифасидаги давлат хизматчилари, давлат фуқаролик хизматида фаолият олиб бориш истаги бўлган барча Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, келажакда

ўз карьерасини давлат фуқаролик хизматида қўраётган олий таълим муассасалари талабалари тизим фойдаланувчилари ҳисобланадилар. Шунингдек, алоҳида ваколатли идоралар сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси, республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари қўрилса, ҳамкорлар сифатида олий таълим муассасалари, қайта тайёрлаш ва малака ошириш марказлари, нодавлат

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикасининг 08.08.2022 йилдаги «Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида»ги №788-ЎРҚ-сонли Конуни

ташкилот, корхона ва муассасалар ҳамда белгиланган тартибда жалб этилган хорижий мутахассислар ҳамкорлар сифатида кўрилади.

Ушбу платформани жорий қилиш, фойдаланувчилар учун семинар ташкил этиш, тизимни янада такомиллаштириш, унга техник хизмат кўрсатиш, узлуксиз ва хавфсиз ишлаши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги масъул ҳисобланади.

Платформадан фойдаланиш учун Ўзбекистон Республикаси фойдаланувчиларини идентификациялашнинг ягона ахборот тизими One ID орқали рўйхатдан ўтилгандан сўнг, платформада ҳар бир фойдаланувчи шахсий кабинетида уларнинг шахсга доир маълумотлари электрон ҳукumatнинг ахборот тизимлари ва маълумотлар базалари билан интеграциялаш йўли билан шакллантирилади.

Фойдаланувчилар мазкур платформада келажакда ўзи мақсад қилган лавозимни танлаши ҳамда номзод томонидан танланган лавозим доирасида касбий компетенциявий ривожлантириш юзасидан босқичма-босқич эгаллаши мажбурий бўлган оралиқ лавозимларни тавсия этади. Номзод компетенциялари кўриб чиқилаётган лавозимга мос келмаса, платформа номзоднинг жорий ҳолатини баҳолаш натижалари асосида унинг касбий компетенциявий ривожлантириш режасига тавсиялар тақдим этади.

Касбий компетенциявий ривожланиш режасида қайта тайёрлов ва малака ошириш курсларида ўқиш, стажировка, хорижий тилларни ўзлаштириш ва бошқа тадбирларни киритилиши мумкин. Мазкур компетенциявий ривожлантириш режаси асосида номзод барча босқичларни босиб ўтади.

Номзодлар томонидан барча касбий компетенциявий ривожланиш режаси амалга оширилгандан сўнг, номзод билан сұхбат ташкил қилинади. Ваколатли орган томонидан мониторинг натижаларига кўра сұхбат босқичидан ўтиш учун юқори натижаларга эришган номзодлар рўйхати шакллантирилади ҳамда шакллантирилган рўйхатдаги номзодлар “Танлов комиссияси” томонидан сұхбатдан ўтказилади.

Платформанинг якуний босқичи сифатида, сұхбат якунлари асосида етарли балл тўплаган номзод “яшил сават”га ёки етарли балл тўплай олмаган номзод “сариқ сават”га сараланиб, “сариқ сават”га тушган номзод компетенциявий ривожланиш жараёни давомида йўл қўйган хато ва камчиликларни бартараф этиш учун қайта компетенциявий ривожланиш режасини ишлаб чиқиши ва амалга ошириш имконияти берилади.

“Яшил сават”га тушган номзодлар учун руҳсат этилган танловларнинг сұхбат босқичига тўғридан-тўғри ўтишда, ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг номенклатура лавозимларига ўтишда, шунингдек, “Миллий кадрлар захираси” рўйхатига киришда имкониятлар яратилади. Компетенцияни

ривожлантириш жараёни даврий ва такрорланадиган бўлиб, ҳодимнинг самарали ишлаши ва унинг карьерасини ривожлантиришни таъминлаш учун мавжуд компетенцияларни мунтазам равишда ривожлантириб боришга имконият яратилади.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу ишларни барчасини тизимли ва аниқ режа асосида механизм ишлаб чиқиб йўлга қўйилиши, давлат фуқаролик хизматида мисли кўринмаган ижобий натижаларга олиб келади. Бинобарин, кадрлар сиёсатида амалга оширилажак ислоҳотларнинг асл мақсади ҳам айнан шу каби лойиҳаларни шакллантириб, уларни амалиётга таътбиқ этишни илгари суришдир.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Шоҳистахон Ўлжаева «Амир Темур давлат бошқаруви» монографияси. – Тошкент «Akamednashr» 2017. – 24-бет.
2. Уинстон Черчиљ иқтибоси. -  
[https://vlgr.ranepa.ru/news/?ELEMENT\\_ID=449880](https://vlgr.ranepa.ru/news/?ELEMENT_ID=449880).
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Тошкент шаҳрининг Мирзо-Улугбек туманига ташрифи чоғидаги нутқидан. -  
<https://karakalpakstan.uz/uz/document/genereate-pdf/news/3512>.
4. Ўзбекистон Республикасининг 08.08.2022 йилдаги «Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида»ги №788-ЎРҚ-сонли Қонуни.

### ИНТЕРНЕТ – РЕСУРСЛАР:

1. <https://lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
2. <https://karakalpakstan.uz/uz/document/genereate-pdf/news/3512>.
3. <https://vlgr.ranepa.ru/news>.